O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

**«Биз миллий маданиятимизнинг асл бойликларини қайтарибгина қолмай, айни пайтда бу билан бутун инсониятнинг маънавий дунёсини ҳам бойитаяпмиз».**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 21-avgust • Seshanba • 99 (27.744) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan






# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЯНЧЛАРИДАН БИРИ

## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ ИШГА ТУШГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ



1997 йил 22 август... Бу сана кўҳна Бухоронинг янги тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилгани рост. Бундан ўн йил муқаддам Қоровулбозорнинг қум барханлари орасида салобатли, гигант корхона қад ростлаганида миллатимиз кучқудратига шубҳа билан қарайдиганлар ҳам бўлди. Ўшанда улар бобокалонимиз Амир Темурнинг: «Куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг» деган пурмаъно сўзларини унутган бўлсалар ажабмас...

Марказий Осиёда энг йирик бўлган бу корхона бор-йўғи 3,5 йилда бунёд этилди. Қурилишга мамлакатимизнинг энг сара қурувчилари жалб этилди. Шахсан Президентимизнинг ўзлари Қоровулбозорга бир неча бор келиб, корхона қурилишининг бориши билан танишдилар, маслаҳатларини бердилар.

Бугун корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. У бу давр ичида мўлжалдаги лойиҳа қувватига чиқиб олди. Биргина углеводород хомашёсини қайта ишлаш суръати 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 117,1 фоизни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 268 миллиард сўмлик нефть маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилди.

Завод ёнида саҳрода шинамгина шаҳарча ҳам вужудга келди. Ҳозир корхона ишчилари 426 та замонавий коттежларда яшамоқдалар. Шунингдек, 112 та ёш оилага ҳам замонавий ётоқхона қуриб берилди.

Истиқлол туфайли чўл қўйнида қад ростлаган корхонанинг эртаси порлоқ. Буни бу ердаги жўшқин меҳнат, жамоанинг Ватан равнақи йўлидаги ҳамжиҳатлиги исботлаб турибди.

**(Ўз мухбиримиз).**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

**Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг улуғ, энг азиз байрам — истиқлолимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бундай катта шодиёналарга ўзаро ҳамжиҳатликда, кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўриш, теварак-атрофни тартибга келтириш ва ободонлаштириш — азалий қадриятларимиздандир.**

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида анъаналаримизни эъзозлаш, ёш авлод онг-шуурига чуқур сингдириш, миллий қадриятларимизни янгича маъно ва мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 августдаги қарори асосида август ойи ободонлаштириш ва озодалик ойлиги деб эълон қилингани, ойлик доирасида 18-19 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари бу борадаги амалий ишларнинг яна бир ифодаси бўлди.**

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховат ва меҳроқибат каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва тозалаш, республикамиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада барқарорлаштириш мазкур қарорда кўзда тутилган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ҳашарни уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказиш мақсадида ташкил этилган, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳузурида фаолият юритган республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотларга қараганда, умумхалқ хайрия ҳашарида қарийб ўн олти миллион нафар юртдошимиз иштирок этди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўттиз минг гектарга яқин майдон ободонлаштирилди. Минглаб километр узунликдаги ариқ-зовурлар, лотоклар, оқава сув тизимлари ва қудуқлар тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи тартибга келтирилди. Гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонларда кенг кўламли тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳашарни юқори савияда ўтказишга ҳар бир ташкилот, муассаса ва меҳнат жамоаси, маҳалла аҳли ўз ҳиссасини қўшди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан бу борада «Обод Ватаним» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилди. Ҳашарга чиққан ёшлар янги бунёд этилаётган иншоотларда, теварак-атрофни ободонлаштириш, сув йўлларини тозалаш ва чиқиндиларни ташиб кетиш, боғ-роғ ва хиёбонларни тартибга келтириш, кўчаларни ободонлаштириш билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этди.

Ҳашар юртимизнинг ҳар бир ҳудуди ва маҳалласида кўтаринки руҳда ўтди. Жумладан, қорақалпоғистонликлар ҳашар кунлари аҳоли пунктларини ободонлаштириш, мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилаётган иншоотлар қурилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким Термизий меъморий мажмуасида бажарилаётган таъмирлаш ишларида шаҳарлик ҳашарчилар ва ёшлар фаол иштирок этди.

Она шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи ва «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивалига қизғин тайёргарлик кўраётган самарқандликлар турар жойларни, маҳалла марказлари, идора ва ташкилотларнинг ён-атрофини тартибга келтирдилар, тўйга тўёна сифатида фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган иншоотлар қурилишига кўмаклашдилар.

Фарғонада кўчалар ва байрам тадбирлари ўтказиладиган иншоотлар кўркам панно ва баннерлар билан безалди. 2000 йиллик юбилейи нишонланиши арафасида турган Марғилонда кенг кўламли ободонлаштириш ва озодалик ишлари бажарилди.

Навоийда ҳашар «Мустақиллик, экология ва саломатлик» экофестивалига уланиб кетди. Тадбир доирасида табиий неъматлардан оқилона фойдаланишга бағишланган кўргазма ва маданий дастур намойиш этилди.

Андижонликлар кўчалар, хиёбонлар, маҳаллалар ва гузарларни тартибга келтириш баробарида уйжой қураётган маҳалладошларига яқиндан кўмаклашдилар. Хўжаобод туманининг «Дўстлик» маҳалласида бу борада, айниқса, уюшқоқлик билан иш олиб борилди.

Хоразмликлар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг минтақавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда вилоятда экологик муҳитни барқарорлаштиришга йўналтирилган кўплаб лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида қатнашдилар.

Ҳашар кунлари халқимизнинг ўзгалар кўмагига муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, кекса, ногирон ва боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш сингари миллий қадриятлари яна бир бор намоён бўлди. Ҳашарчиларнинг ёрдами билан ана шундай эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди. Меҳр-мурувватга муҳтожлар, кам таъминланган оилаларга қарийб тўрт юз миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА**

# ИСРОИЛ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Исроил Давлати Кнессети (парламенти) Спикерининг ўринбосари Амнон Коэн раҳбарлигидаги делегация 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда ўзимни уйимдагидек ҳис қиламан, — деди Амнон Коэн. — Болалигим шу муқаддас заминда ўтган. Мамлакатингизга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларга, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самара бераётганига гувоҳ бўламан. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат сиёсий, балки савдоиқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланмоқда. Икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Ўзаро алоқаларимизни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг истиқболи порлоқдир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Исроил делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА)**

# ШҲТ ДОИРАСИДА БАНКЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

2007 йил 16 августда Бишкекда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Саммит иши доирасида 15 август куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Банклараро бирлашмаси (ШҲТ ББ) Кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Миллий банкининг вакиллари фаол иштирок этдилар.

3-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ИПАК ШАҲРИ, ЮРАК ШАҲРИ

## БЎЛМИШ БУ КЎҲНА МАНЗИЛ ЯНА ЭЗГУЛИК ВА ГЎЗАЛ МЎЪЖИЗАЛАР МАКОНИГА АЙЛАНМОҚДА




МАРҒИЛОН... Нафасларидан иймону эътиқод зиёлари уфурган, юзу кўзлари, сўзларидан самимият, меҳр-муҳаббат ва гўзал лутф ёғилган, санъати бекиёс, мўъжизаларга ошуфта қалбларининг сеҳри бармоқларига ҳам кўчиб, ҳарки ҳунармандчиликни санъат даражасига кўтарган, тирикликнинг ҳар ғанимат лаҳзаларини яратиш, бунёдкорлик билан файзли, фаровон этиб, каттаю-кичикни сизлаб, ўз қадрини баланд тутган чеҳралари фариштали инсонлар бешиги...

Бу қадим шаҳар тўғрисида X асрга оид ёзма манбаларда, қолаверса, араб географи Муқаддасий асарида ҳамда Бобур ҳазратларининг «Бобурнома»сида МАРҒИНОН номи билан боғлиқ илк маълумотлар учрайди. Шаҳар номи «Марғ» — майсазор, ўтзор сўзларидан олинганлиги бу масканнинг азалдан табиатнинг сўлим гўшаси, Аллоҳ ярлақаган жойлардан бири эканлигининг исботидир. XI асрда бу ерда зарб этилган тангалар шаҳарнинг Фарғона водийси ижтимоий ҳаётида катта мавқега эга бўлганининг яна бир далилидир. Буюк ипак йўлидаги йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган Марғилон XI-XII асрларга келиб тарихчи Ас-Самоний таърифича, ўз даврининг «Энг буюк» шаҳарларидан бирига айланди.

3-бет

**Эътироф**

# «ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ОЛАМИ УЧУН МУҚАДДАС ЗАМИН»

**Халқда минг эшитгандан бир кўрган маъқул, деган ҳикмат бор. Эшитганларинг лоф ёки ёлғон-яшиқ бўлиши мумкин. Ўз кўзинг билан кўриб, гувоҳи бўлиб, олган таассуротларинг, чиқарган хулосаларинг эса ҳақиқат бўлади. Шунинг учун эшитгандан эмас, кўргандан сўра дейишади. Афсуски, дунёнинг нариги четида туриб, миш-мишлар, қасддан тўқилган хабарларни дастак қилиб, ўз асоссиз фикрини ҳақиқат дея тиқиштиришга уринаётганлар оз эмас. Яқин ўтмишдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.**

**Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги тузилма — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Ўзбекистон пойтахти Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ким ҳақ, ким ноҳақлигига яна бир бор ойдинлик киритди.**

**Конференциянинг охирги куни унинг иштирокчиларидан бири, мамлакатимизда илгари ҳам икки бор бўлиб, қатор мақолалар ёзган, Миср Араб Республикасининг «Ал-Маланда» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад САЛОМА билан учрашиб, конференция фаолияти, Ўзбекистондан олган янги таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.**

2-бет

## ☑ ЎзХДП: электорат манфаати

# ОБОДОНЧИЛИК ВА ОЗОДАЛИК

### ҲАР БИРИМИЗНИНГ ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИМИЗГА БОҒЛИҚ

Тан олиш керак, сўнгги йилларда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Озода, сариштали аҳоли турар жойлари, мавзелар, кўча, йўлаклар, хиёбон, сайилгоҳ ва бошқа масканлар бугун мамлакатимиз пойтахтининг такрорланмас қиёфасини намоён этади. Юртбошимизнинг қатор фармон, қарорлари, бошқа давлат ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан мустақиллик йилларида пойтахтимиз жамоли бутунлай ўзгарди. Буларнинг замирида кўплаб инсонларнинг меҳнати, катта машаққатлари ҳам бор. Гап ободонлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган оддий ишчилар, кўча фаррошидан тортиб боғбону гулчилар — заҳматкаш инсонлар ҳақида кетмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан ана шундай кишиларнинг бир гуруҳи иштирокида давра суҳбати ўтказилди. «Ўзбекистон пойтахти — Тошкентни гуллаб-яшнаган обод шаҳарга айлантирайлик» мавзуидаги мазкур тадбирда ободонлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган оддий ишчилар меҳнатининг самарадорлигини ошириш, шаҳар санитария ҳолати ва қиёфасини янада яхшилаш учун ҳал этилиши керак бўлган масалалар муҳокама этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов йиғилганлар эътиборини қатор масалаларга қаратди.

— Ободончилик соҳасидаги муаммолардан бири бу пойтахт кўчалари ва турар жойларда тозаликни сақлаш учун ўз кучини сарфлаётган ходимларнинг оғир меҳнати самарасини оширишдир, — деди у. — Бу нафақат уларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ўзини оқлаган ободонлаштириш ишларида кичик механизация воситаларидан фойдаланишнинг техник ва технологик даражасини ошириш билан боғлиқ. Иккинчидан, шаҳар, туман, маҳалла ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, хонадонларда бажариладиган ободончилик масалалари ҳам жуда муҳим. Бу аввало, аҳолида фуқаролик масъулиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бунинг учун одамларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғусини кучайтириш лозим.

— Ободончилик ишчилари меҳнати орқали ижтимоий масалалар ҳал этилиши Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларидан бири, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шоимқулов. — Бу борадаги барча ишлар партиямиз электорати ҳаётий манфаатлари учун хизмат қилади. Қолаверса, соҳа ходимлари ЎзХДП электорати ҳисобланади. Электорат манфаатини ҳимоя қилиш эса бизнинг асосий вазифамиздир.

Давра суҳбатида барчага бирдек тааллуқли ушбу масалаларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг ҳам алоҳида ўрни бўлиши кераклиги қайд этилди. Депутатлик гуруҳининг пойтахт ободончилигини таъминлаш ишларини такомиллаштиришдаги иштирокини кенгайтириш ҳақида Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Гулчеҳра Охунова тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Бектемир туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳамаджон Миразимов, Миробод тумани «Ибратли хизмат» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Рифкат Байджанов, Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Қумри Нажмитдинова ва бошқалар сўзга чиқиб, таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Биз давра суҳбати иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқдик.

**Жамолиддин МАҲМУДОВ, Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармаси гулчи-боғбони:**

— Мен 16 ёшимдан буён шу касбда меҳнат қиламан. Тўғриси, айнан бизнинг кўнглимиздаги масалани сиёсий партия кўтариб чиқишини кутмагандим. Биз қанча меҳнат қилмайлик, ҳар бир киши озодаликни сақлаш ва асраш ҳақида ўйламаса, барчаси бекор. Тадбирда айни шу масалалар муҳокама этилганидан жуда қувондим.

**Феруза ТУРСУНОВА, Чилонзор туман ободонлаштириш бошқармаси боғдорчилик ва гулчилик корхонаси ишчиси:**

— Мен ХДП аъзосиман. Тадбирда бизнинг меҳнат шароитимизни яхшилаш ҳақида жуда муҳим фикрлар айтилди. Тўғри, туман ҳокимлиги томонидан бизга керакли шарт-шароитлар яратилаяпти. Лекин ҳали ечилмаган масалалар ҳам бор. Мана бугун уларни сиёсий партия кўтараяпти.

Давра суҳбати иштирокчилари шу куни Ҳастимом мажмуасини зиёрат қилдилар. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши номидан пойтахтимизнинг «Наврўз» мажмуасида уларга байрам дастурхони ҳамда ёш хонандалар Фаррух Ғуломқодиров, Улуғбек Йўлдошевлар томонидан концерт дастури, Алишер Навоий номли Миллий боғда сайил уюштирилди. Шунингдек, иштирокчилар Ўзбек Миллий академик драма театрида «Андишали келинчак» спектаклини томоша қилдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



**Суратда:** давра суҳбати иштирокчилари Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мажмуаси зиёратида.

**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат**

## ☑ ЎзХДП — Хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

# ЗАМОНАВИЙ ФАОЛ АЁЛ

### ЮКСАК МАЪНАВИЙ, ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ УЙҒУНЛИГИ ТИМСОЛИДИР

**Аввал хабар берганимиздек, яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қанотининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар қанот олдида турган долзарб масалаларни «Замонавий фаол аёл — юксак маънавият, ҳуқуқий саводхонлик ва сиёсий маданият уйғунлиги тимсолидир» мавзуси доирасида атрофлича фикр юритдилар. Қуйида конференцияда билдирилган айрим мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**



**Гулнора МАЪРУПОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Мустақиллик йилларида жамиятимизда аёлларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Бу Юртбошимизнинг бизга қаратаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлигидан, албатта. Биргина мисол: ўтган чақирикда Олий Мажлис депутатларининг 8 фоизигина аёллардан иборат эди. Ҳозир икки палатали парламентдан вакилларимиз 16 фоиз жой олди. Ижроия ҳокимият тизимида 14 фоизни аёллар ташкил этади. Суд ҳокимияти тизимида меҳнат қилаётганларнинг 22 фоизи хотин-қизлардир. Маҳаллий давлат вакиллик органларида ҳам уларнинг ўрни салмоқли. Демак депутат аёллар кўпайиб бориши тендецияси кузатиляпти. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, унинг хотин-қизлар билан бевосита иш олиб борадиган тузилмаси зиммасига улкан вазифалар юкланади. Давлатимиз томонидан хотин-қизлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган. Бизнинг вазифамиз ана шу имкониятлардан кенг фойдаланиш йўлларини тарғиб этиш. Аёлларнинг фаоллиги, ҳуқуқий, сиёсий онги, маданиятини ошириш орқали яратилган механизмлар тўлиқ ишлаб кетишига кўмаклашишдир.

**Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши масъул ходими:**

— Аёлни эъзозлаш, унга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос фазилатдир. Жамиятдаги барқарорликни, юртдаги осойишталикни, дунёдаги мувозанатни сақлаб турадиган ҳам аёл. Инсоният тақдири аёл, онага кўп жиҳатдан боғлиқ. Ана шу ҳаётий ҳақиқатни тўла англаб етганимиз сабабли ҳам биз аёллар масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бу борада Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, қонунда белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишига кўмаклашиш борасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Аммо, олдимизда турган олижаноб мақсадларни амалга оширишда ижтимоий шерик ташкилотлар — хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ўзаро яқин ҳамкорлиги жуда муҳим, деб ўйлайман.

**Фарида АБДУРАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



— Бугун олдимизга бажариб бўлмайдиган вазифаларни қўйишимиз, баландпарвоз сўзларни гапириб юришимиз керак эмас. Ҳаётнинг ўзи партия етакчилари, «Фаол аёллар» қаноти нима ишлар қилиши кераклигини яққол кўрсатмоқда. Партиямизнинг бош мақсади аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизимини такомиллшаштириш. Яқинда Президентимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга оид Фармони эълон қилинди. Агар жойлардаги БПТ, маҳаллий партия кенгашлари, бизнинг қанотимиз мазкур ҳужжатнинг моҳияти, бераётган имтиёзларини одамларга тушунтирса, бу ҳам мақсадимизнинг амалга тезроқ ошишига хизмат қилади. Шу жойда позициямизни қаттиқ ушлаш лозим. Сенинг муаммоинг у ерда эмас, бу идорада ҳал бўлади, деб тўғри йўл кўрсатсангиз миннатдор бўлиб кетади. Электоратимизга тегишли бўлган муаммоларни ечишда ана шундай йўл тутсак, юқорида таъкидланганидек, ҳамкорликни кучайтирсак, ҳам жамиятимизда ижтимоий адолат таъминланишига, ҳам партиямизнинг нуфузи ошишига хизмат қилган бўламиз.

**Гулнора НУРЛИПЕСОВА, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси:**

— Зиммамизда вазифаларимиз кўп. Лекин, Қорақалпоғистон шароитида мен уларнинг икки йўналишини жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Биринчидан, партиямиз Дастурида белгиланган устуворликлар ва минтақамиз табиий экологик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда аёлларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи. Бу борада қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Аммо, олиб бораётган ишларимиз ҳали етарли эмас. Айнан шу томондан ўзимизга бўлган талабни янада кучайтиришни бугун даврнинг ўзи талаб этаяпти.

Иккинчи йўналиш ёшларни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялаш. Бу аввало, уларда миллий ғурурни кучайтиради, Ватанга бўлган ҳурмат, дахлдорлик туйғуларини шакллантиради, ўзига ишончни оширади, ҳалол меҳнат қилишга, виждонли бўлишга чорлайди. Шу билан бирга уларни турли оқимларга кириб кетишдан асрайди. Агар мана шу икки йўналишдаги ишларимизни самарали ташкил этсак, олдимиздаги барча мақсадларимизга эришиш осон кечади, деб ўйлайман.

**Дилором САЙФИДДИНОВА, Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси:**

— Ўтган давр мобайнида қанотимиз фаолиятида муайян тажриба тўпланди. Амин бўлдикки, кўпинча аёллар зарур ахборотларга эга бўлмагани учун берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Партиямизда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг ташкил этилгани бу муаммоларни бартараф этишда жуда қўл келади. Бундан ташқари, зарур қўлланмаларни ишлаб чиқиб, қуйи бўғинлардаги фаолларимизга етказиб берсак, бу уларнинг ташаббускорлиги ошишига хизмат қилади. Қуйи ва юқори бўғиндаги партия аъзоларининг доимий мулоқотини ташкил этиш ҳам жуда зарур. Бу нафақат «Фаол аёллар» қаноти, балки, қуйи партия кенгашлари, Жамоатчилик қабулхоналари, «Истиқбол» ёшлар қаноти, депутатлик корпуслари ишларининг ҳам самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

**Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.**

***Суратларда:*** *конференция ишидан лавҳалар.*

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

# «ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ОЛАМИ УЧУН МУҚАДДАС ЗАМИН»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



**— Сиз бир гуруҳ конференция қатнашчилари билан биргаликда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабулида бўлдингиз. Аввало, ушбу учрашувдан олган таассуротларингиз ҳақида тўхталсангиз.**

— Биз ушбу учрашувдан жуда ҳам мамнун бўлдик ва кўп фойдали маълумотлар олдик. Президент Ислом Каримовнинг ҳикматли ва шу билан бирга ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий соҳадаги фикрларини мамнуният билан қабул қилдик. Жумладан, жаноби олийларининг мусулмон давлатларини бир мақсад йўлида бирлаштириш, қарама-қаршиликларга йўл қўймаслик тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари барча араб давлатлари манфаатига тўла мос келади, деб ўйлайман. У киши диққат-эътиборимизни яна бир муҳим масалага қаратди. Келажак ёшларники, эртага улар қандай кишилар бўлиб вояга етиши бугунги таълим-тарбия ишларимизга боғлиқ, деди. Барча имкониятларимизни ҳамкорликда таълим-тарбия ишларига йўналтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бу таклиф шубҳасиз тараққиётга, кўп фожиаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, Президент жанобларининг дунёдаги мавжуд қашшоқлик муаммоларини ҳал этиш кўп жиҳатдан инсонларни турли бало-қазолардан сақлашига ёрдам бериши ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ, деб ўйлайман. Мамлакатингиз раҳбари айтганидек, фақирлик турли хил ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Президент жаноблари яна бир масалада муҳим фикр билдирди. Араб давлатларидаги кўплаб мавжуд жамғарма ва фондларни тўғри йўналтириш кераклиги, улар инсонлар фойдасига, тараққиёт, ривожланишга ишлаши зарурлигини таъкидлади. Биз билмаймизки, мана шу жамғармалар ўз маблағини қайси йўлга сарфлаяптилар? Бу маблағ ёвуз мақсадлар учун эмас, балки эзгу ишларга сарфланиши жоизлиги ҳақида сўз юритди. Масалан, илм-фан, техника, ахборот асри тез ривожланиб бораётган замонда яшаяпмизми, бу маблағларни таълим соҳасига йўналтириш, замон талабига жавоб берадиган шарт-шароитларни яратишга сарфлаш лозимлигини айтиб ўтдилар.

Кейинги илгари сурган фикрлари шу бўлдики, ҳозирги пайтда мавжуд муаммолардан бўлмиш, яъни исломга қарши кураш, уни нотўғри талқин қилишга бўлган ҳаракатларнинг олдини олиш керак.

Бу борада мусулмон давлатлари биргаликда бўлиб, ёнма-ён туриб, ислом динига қаратилган ҳар хил бузғунчиликларни бартараф этиш лозимлиги, тазйиқ, бўҳтон ва туҳматлар остида қандай мақсадлар ётгани, ислом таълимоти мазмун-моҳиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этишлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини асосли фикрлар билан изоҳладилар. Табиийки, исломнинг тинчликпарварлиги, бағрикенглигини дунёга кенг тарғиб қилсак, кўп ёлғонлар, фожиалар, ёшларни чалғитишларга барҳам берилади. Бу жуда ибратли сиёсат.

Президент жанобларининг бу фикрлари ҳозирги замонда ўз халқининг ва шу билан бирга мусулмон давлатларининг манфаатларини кўзда тутган соғлом фикр. Ислом дини ва ўз халқи тарихий, маданий қадриятларига таянган ҳолда ҳозирги замон илм-фан ривожланиши даврида қандай сиёсат юритиш кераклигини аниқ, теран билган кишининг фикри.

**— Конференция фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз? Ушбу анжумандан нимани кутган эдингиз ва у шахсан сизга нима берди?**

— Ушбу халқаро конференцияда 30 дан ортиқ давлат делегациялари, 7 та нуфузли ташкилот вакиллари, ислом оламининг кўзга кўринган намояндалари иштирок этди. Умуман конференция муваффақиятли иш олиб борди. Унда сўзланган илмий маърузаларнинг барчаси жуда ҳам муҳим мавзуларни қамраб олди. Ўзбекистоннинг ислом дини маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини ўзида ёрқин акс эттирди.

Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларим янада бойиди, албатта. Конференцияда кўп яхши фикрлар, эътирофлар бўлди. Ўзбекистонда миллий урф-одат ва анъаналарни, исломий қадриятларни қайта тиклашга, ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини яна бир бор ўз кўзим билан кўрдим. Халқингизнинг ўз тарихи ва ислом қадриятларига бунчалик ҳурмат-эътибори ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

**— Сир эмас, дунёдаги баъзи сиёсатдонлар, айрим кучлар халқаро террорчилик ҳаракатларини ислом дини билан боғлаб шарҳлашни одат қилиб олишган. Бу масалада фикрингиз қандай?**

— Мен бу ҳақда мақолаларимда кўп ёзганман, кўп жойда гапирганман. Терроризмнинг исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар ўзларининг сиёсатларини юргизиш, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида динни восита қилиб оладилар. Ҳозирда уларнинг қанотлари синди ва асл башаралари маълум бўлди. Бундай воқеалар ҳаттоки Мисрни ҳам четлаб ўтмади. Уламолар ҳақиқий исломни тушунтирдилар. Қуръондан, Ҳадиси Шарифдан мисоллар келтирдилар. Инсоннинг қони, инсоннинг жони, моли муқаддас. Шунинг учун кимки уларга тажоввуз қилса, ўзини жиҳод деб куйдирса, портлатса, шаҳид кетаман деса бу шаҳидлик эмас, аксинча ўзларини шу йўл билан жаҳаннамга олиб бориш эканини тушундилар. Шундан сўнг улар фикрлари, қилмишлари қанчалик нотўғри экани, ислом бундан йироқлигини англаб етдилар ва тавба қилиб, ўзларини бу йўлдан қайтардилар.

Диний экстремистлар яна бир ҳақиқатни нотўғри талқин қиладилар. Яъни, исломда «жиҳод» деган калом бор. Жиҳод бу қачон бўлади? У қачонки сенинг юртингга бир душман бостириб келса ва тазйиқ ўтказса ўшанда унга қарши жиҳод қилса бўлади, шунда ҳам фақат подшоҳнинг буйруғи билан. Улар эса жиҳодни нотўғри талқин қилиб, ўзларини куйдирадилар, портлатадилар. Бу жиҳод эмас, аксинча исломга умуман зид нарса. Ўзининг жонига қасд қилиш, ноҳақ бандаларни, болаларни нобуд қилиш мутлақо шаҳидлик эмас, балки катта гуноҳ ва дўзахийликдир.

Жиҳоднинг даражалари бор. Масалан, энг афзал жиҳод Аллоҳ итоатида қилинган жиҳоддир. Ёки оила боқишдаги машаққат, илм йўлидаги заҳматлар жиҳоднинг энг афзал даражалари... Уларнинг бу иши жиҳод эмас, аксинча Қуръон ва Ҳадисга қарши чиқишдир.

Ҳамма мамлакатда ўзига яраша муаммо мавжуд. Лекин ҳар бир давлатда Президент, парламент бор ва ҳукм чиқарувчи орган фаолият кўрсатади. Фақатгина мана шулар қўли билан кўрсатишга ҳақли, бошқа ҳар ким эмас. Яъни ҳоким ёки Президент бир адолатли қарорга имзо чекади, уни парламентга тақдим қилади, шу тариқа қўлда қурол билан эмас, тинчлик йўли билан бу масала ҳал бўлади.

Терроризмнинг пайдо бўлишига кўпроқ ғарбдаги айрим кучлар сабабчи, деб ўйлайман. Улар жамиятда мутаассиб кишиларни топиб олади-да, шу билан исломни ёмон дин, ёвуз дин деб кўрсатмоқчи бўлади. Масалан, бир голландиялик Қуръон фақат ўлдиришликка буюради, деган даъволарни қилди. Шунинг учун ғарбликлар орасида ислом деганда терроризмни тушунадиганлар оз эмас. Лекин ўйлангки, исломнинг бунга мутлақо дахли йўқ. Буни жамоатчиликка, фарзандларимизга етказишимиз керакки, ислом дини бағрикенглик, тинчлик, адолат дини, ҳақ нарсага ҳақ билан жавоб берадиган диндир. Буни Президентингиз Ислом Каримов ҳам ўз таклифларида кўп бор айтганки, ёшларни мутаассиб кучлар таъсиридан сақлайлик, исломнинг софлигини таъминлайлик ва унинг ғоясини кенг тарғиб қилайлик.

**— Яна бир масалага муносабатингизни билдирсангиз. Кейинги пайтларда Шарққа, хусусан, Ўзбекистонга ғарбона «демократия»ни экспорт қилишга уринишлар кучайиб бормоқда. Шу ҳолат сизнинг мамлакатингизда ҳам сезилаяптими?**

— Бунинг барчаси уюштирилган ва махсус тўқилган. Демократияни экспорт қилиб бўлмайди. Уларда шундай ғоя борки, «биз демократияни бутун дунёга тарқатамиз», дейди. Мана, «демократия»ни Ироққа экспорт қилишди, у ерни гуллатамиз деб. Лекин амалда нима бўлди? Тинч ҳаёт кечираётган аҳоли, давлат ўт ичида қолди. Улар Ироқда ядро қуроли бор деган баҳонада уруш қилиб киришди, лекин нимани топишди? Менимча, уларнинг асл мақсади бошқа эди. Экспорт қилинган «демократия» эвазига Ироқ ҳар куни ўнлаб, юзлаб қурбонлар бермоқда. Қанча шаҳарлар, тарихий ёдгорликлар вайрон этилди. Бунинг учун АҚШ маъмурияти, БМТ жавоб бериши керак. Шунинг учун БМТнинг қарори қарор, гапи гап бўлиши керак. АҚШ ҳам БМТ қарорига қулоқ солиши керак. БМТ ўз кучини қайта йиғиб олиши ва унинг гапи бутун жаҳон учун гап бўлиши керак.

Демократия ниқоби остида бошқа мамлакат ҳудудига бостириб кириш асл демократияга мос келадими? Бу ерда мақсад бошқа, ҳокимиятни эгаллаш, табиий бойликларга эгалик қилиш. Демократия ниқоби остида ўз манфаатлари ётган бўлади. Ҳозир ғаразли мақсадлар Марказий Осиё ва Касбий денгизи бўйи давлатларига қаратилган. Чунки бу ерлар бой табиий захирага эга. Демак, келажакда уларга янги маконлар керак бўлади...

**— Конференция дастури доирасида Самарқандда ҳам бўлдингизлар. Ўзингизга маълумки, бу қадим шаҳарда ислом цивилизациясига жуда катта ҳисса қўшган кўплаб уламолар яшаб ўтган. Самарқанддан олган таассуротлар ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.**

— Бу масалаларда менинг ўз қарашларим бор. Нима учун ислом оламининг пойтахти деган мақом Тошкентга фақатгина бир йилга берилаяпти? Бир неча ойдан кейин 2007 йил тамом бўлади ва бу ном бошқа шаҳарга берилади. Нима учун Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари бу номга 2-3 йил ва ундан кўп бўлган вақтга сазовор эмас? Ўзбекистоннинг бошқа қатор шаҳарлари ҳам шундай номга муносиб. Самарқанд ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, тарихий обидаларга жуда бой ва таърифи дунёга машҳур шаҳар. Шунинг учун Самарқанд ҳам ислом маданияти пойтахти бўлишга ҳар томонлама муносиб. Бу гаплар Бухорога ҳам тегишли. У қадимий ислом обидалари билан лиқ тўла. Қачон биз Самарқанд ва Бухорони ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қиламиз?

Менинг фикримча, Ўзбекистон — ислом оламида муқаддас замин. Шунинг учун уни ислом маданияти пойтахти деб беш йилга оладиган бўлсак, шу беш йил ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳам бирма-бир бу қутлуғ номга сазовор бўлиб чиқар эди. Бу менинг фикрим, албатта.

**— Яқинда мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқига қандай тилаклар билдиришни истайсиз?**

— Мен ўзбек халқининг фақат гуркираб яшашини чин дилдан истайман. Бу халқни жуда қадрлайман, эъзозлайман. Чунки бу халқ инсоният цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган. Ўзбекистон ва Миср халқларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Мен бу ерда ўзимни ўз она ватанимда юргандек ҳис қиламан...

Президентингиз Ислом Каримов ўз исми билан ҳам муборак ислом диниганақадар яқин ва боғлиқлигини айтиб ўтмоқчиман. Мен Ислом Каримовни сизнинг мустақиллигингиз билан тасаввур қиламан. Тилагим шуки, бу инсон ўзи бошлаган улуғ ишларни охирига етказсин, унга меҳнатларининг роҳатини кўриш насиб этсин. Унинг меъморий обидаларни қайта тиклаш, миллий қадриятларга содиқлиги, тинчликпарвар сиёсати, ислом дини ривожидаги улкан ҳиссаси ҳар тарафлама ҳурмат-эътирофга сазовор. У киши узоқни кўра оладиган, чуқур фикрловчи, адолатли раҳбар, ҳар бир ўзбек боласи учун рамз. Бундай Президенти, Ўзбекистондай Ватани бор халқнинг келажаги ёруғ ва мунаввар бўлишига ишончим комил.

**— Юртимиз ва халқимиз шаънига айтган самимий сўзларингиз учун катта раҳмат. Миср халқига ҳам ушбу эзгу ниятлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.**

**Сафар ОСТОНОВ суҳбатлашди.**

## Биз билган ва билмаган тарих

**Яқинда Эрондаги «Ал-Алам» телеканалининг Ўзбекистондаги ўз мухбири Аҳмад Зубайдининг Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида олиб борилаётган диний таълим жараёни ҳақида ҳикоя қилувчи репортажи Теҳрон телевидениесида намойиш этилди. Шунингдек, ушбу репортажни сунъий йўлдош ёрдамида Саудия Арабистони, Қувайт, Яман каби ўндан ортиқ ислом мамлакатлари аҳолиси ҳам кўришга муваффақ бўлди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятининг қадимий ва кўҳна Бухоро тарихи ва унинг бугунига бўлган қизиқиши ортаётганидан дарак беради.**

**Хўш, Мир Араб мадрасаси қачон ва ким томонидан қурилган? Ҳозир бу ерда толиби илмларга қайси фанлардан таълим берилади, уларга яратилган шарт-шароитларга кўпгина хорижий давлатларда катта қизиқиш билдирилаётганлигининг сабаби нимада? Худди шу саволлар билан биз мадраса директори Муҳиддин НЎЪМОНОВга мурожаат қилдик.**

# МИР АРАБ МАДРАСАСИ

## МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

— Аввало, бундай қизиқиш замирида Мир Араб номи билан тарихда ўчмас из қолдирган Сайид Абдуллоҳ (1461-1536 йиллар)нинг маърифатпарварлиги, саховат ва жасоратга лиммо-лим ҳаёти ётади, — дейди Муҳиддин Нўъмонов. — Яман амири 22 ёшга кирганида, унинг қалбида Аллоҳ таолога ишқ пайдо бўлиб, тожу тахтдан воз кечади ва аввал Саурон шаҳрига (Жанубий Қозоғистон), кейин эса Самарқандга келиб, Нақшбандия тариқати пирларидан бири бўлган Хожа Аҳрор Валийдан диний таълим олади. Кейинчалик Бухоро ҳукмдори Убайдуллохон бу алломага меҳр қўйиб, ўзининг пири деб атайди ҳамда унинг маслаҳати билан Шофиркон, Вобкент, Ғиждувонда каналлар қаздиради, боғлар барпо этади.

Эл-юрт, ҳукмдор олдида обрў-эътибори ортган Мир Араб 1530 йилда Минораи Калоннинг кунчиқар томонида улкан мадраса курдиришни бошлайди. Аммо қурилиш битмай туриб у вафот этади. Ул зотни мазкур мадраса шимолидаги гумбаз остига дафн этадилар. Мир Арабнинг куёви Шайх Закариё ушбу мадраса қурилишини охирига етказади.

Тарихдан маълумки, Мир Араб мадрасаси нафақат юртимизда, балки бутун Марказий Осиёда диний таълимни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аммо 1920 йилдаги Бухорога қилинган босқин даврида бу илм маскани, ундаги бой кутубхона талон-торож қилинган...

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз шу мўътабар даргоҳга ташриф буюриб, таълим жараёнини такомиллаштириш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини тубдан яхшилаш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар бергандилар. Орадан кўп ўтмай, Мир Араб мадрасаси Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси тасарруфидаги энг намунали ўрта-махсус ислом билим юртига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги қарорига асосан мазкур мадраса дипломининг давлат таълими ҳужжати, деб эътироф этилгани эса ўқув юрти жамоаси ва талабалари масъулиятини янада оширди. Чунки бу қарор шарофати билан битирувчилар эндиликда республикамизнинг исталган олий ўқув юртларига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан Бухорога келиб, ушбу мадрасада таълим олаётган юздан зиёд ёшларга Азизхўжа Иноятов, Жобир Элов, Мақсуджон Акрамов, Акрамжон Абдуллаев, Қобилжон Сиддиқов, Ғофуржон Раззоқов, Ҳазрат Раҳимов, Насрулло Шукруллаев, Ғофуржон Исоев каби тажрибали ўқитувчилар ислом илми ва умумтаълим фанларидан сабоқ беришмоқда. Замонавий компьютерлар ва техникавий воситалар билан жиҳозланган ёруғ ва қулай дарсхоналарда билим олаётган талабаларга ҳавас билан қарайсиз.

— Юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва диний бағрикенгликни кўролмай Ўзбекистонга туҳмат тошини отаётган айрим Ғарб сиёсатчиларининг ёлғончилиги ва иккиюзламачилигини фош этишда ҳам Мир Араб мадрасаси муҳим аҳамиятга эга бўляпти, — дейди вилоят бош имом-хатиби Ғофуржон ҳожи Раззоқов. — Масалан яқинда АҚШ Давлат департаменти экспертларининг 2006 йил якуни бўйича тайёрланган «ҳисобот»ларида Ўзбекистонни диний эркинлик таъминланмаган мамлакатлар рўйхатига киритишлари туҳматдан бошқа нарса эмаслигини исботлаш учун Бухородаги 10 мингдан ортиқ киши намоз ўқийдиган Калон масжиди ҳамда унинг ёнидаги Мир Араб мадрасасида олиб борилаётган диний таълимни кўрсатишнинг ўзи кифоя қилади.

Демак, Мир Араб мадрасаси ҳозир ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқда. Шу боис бу кўҳна илм даргоҳининг шуҳрати оламаро таралмоқдаки, бу ўзбек халқига юксак ифтихор бағишлайди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири,**
**Абдужалил ХАЛИЛОВ,**
**журналист**



## Спорт

# ИНИЛЕЕВ

## АНТИҚА ҚАРОРДАН ҲАЙРОН



Осиё Футбол конфедерациясида 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига қуръа ташланганидан хабарингиз бор. Мусобақа низомига кўра, саралаш баҳслари тўрт босқичда ўтказилади. Унда ОФК қитъамиз терма жамоаларининг 2006 йили Германияда ўтган жаҳон чемпионатидаги иштирокини ҳам эътиборга олган. Жумладан, Жанубий Корея, Япония, Эрон, Австралия, Саудия Арабистони вакиллари учинчи босқичдан мусобақаларга қўшиладилар.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса дастлабки босқичдан баҳсларга киришади. Унда Осиё қитъасининг 38 терма жамоаси уй-сафар тизими асосида кучли ўн тўққиз жамоа номини аниқлайди. 8-28 октябрь кунлари бўладиган мазкур босқичда ҳамюртларимиз Хитой-Тайпейи футболчиларига қарши тўп сурадилар.

— Биринчи ўйин 8 октябрда Ўзбекистонда, жавоб учрашуви эса 28 октябрда Хитой-Тайпейида ўтказилиши белгиланган, — дейди терма жамоамиз менежери Алишер Никимбоев. — Очиғи, 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш баҳслари бу қадар барвақт бошланишини кутмаган эдик. Шу боис, бу мусобақага тайёргарлик режаси тузилмаганди. Футболчиларимиз Осиё чемпионатида қатнашганлиги боис, сентябрь ойидаги ўқув-йиғин машғулотларини бекор қилишга қарор қилгандик. ОФК эса навбатдаги антиқа қарори билан барчани ҳайрон қолдирди. Мисол учун, биз олган дастлабки маълумотларга қараганда, учинчи босқич ўйинлари 2008 йил мобайнида, тўртинчи босқич эса 2009 йилда ўтиши керак эди. Аммо янги тақвимга кўра, сўнгги тўртинчи босқичнинг дастлабки икки ўйини ҳам 2008 йилда ўтадиган бўлди. Биринчи босқич учрашувларининг октябрь ойида ўтказилиши бизни ўйлантириб қўйди. Чунки ЎФФ тасдиқлаган миллий чемпионат тақвимида терма жамоанинг октябрь ойида ўқув-йиғин ўтказишига жой қолдирилмаган. Энди мусобақа тақвимини бузишга тўғри келади. Аксига олиб, 8 ва 28 октябрь саналари ФИФА куни эмас. Бу эса терма жамоа учун янги муаммолар туғдиради. Сабаби, ушбу учрашувларга хорижда тўп сураётган легионерларимизни жалб қилолмаймиз. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Хитой-Тайпейи терма жамоаси билан ўтадиган ўйинларни 13-17 сентябрь кунларига кўчиришни режалаштиряпмиз. Бу муддат эса ФИФА кунлари ҳисобланади ва шундагина терма жамоа таркибида легионерларимизни майдонга тушириш имконияти бўлади. Аммо учрашувни олдинроқ кўчирсак, Олимпия терма жамоаси таркибидаги бир қатор етакчи ўйинчиларни бу ўйинга чақира олмаймиз. Чунки бу вақтда улар ҳам расмий учрашувларда қатнашиши зарур.

— Режа бўйича терма жамоанинг Осиё чемпионатидаги кейинги дастлабки расмий ўйини келаси йилнинг февралида бўлиши керак эди, — дейди миллий терма жамоа бош мураббийи Рауф Инилеев. — ОФКнинг антиқа қарори эса режаларимизга жиддий ўзгартириш киритишга мажбур қилмоқда. Сентябрь ойида жамоамиз учун ўртоқлик учрашуви жуда зарур. 22 августда Киевда Украина футболчилари билан бўладиган ўйинга олимпиячиларни таклиф қилолмаймиз. 8-28 октябрь кунлари легионерларни клублари қўйиб юбормаслиги мумкин. Маълумки, ФИФА кунлари икки хил бўлади. Расмий ва ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун белгиланган кунлар. Масалан, 22 август ўртоқлик ўйини ташкил этиш учун ажратилган сана ҳисобланади. Бу каби ўйинларга клублар ўз футболчиларини белгиланган вақтдан икки кун илгари терма жамоа ихтиёрига жўнатади. Шу боис, Украина терма жамоасига қарши учрашувда Виталий Денисов («Днепр»), Максим Шацких («Динамо» Киев)ларнинг майдонга тушишида муаммолар бўлмайди. Бундан ташқари, мазкур ўйинда анчадан бери майдонда кўринмаётган Владимир Радкевич («Урал», Россия), Илёс Зейтуллаев (Италия)ларни яна бир бор синовдан ўтказамиз. Шунингдек, Павел Соломин («Сатурн», Россия), Алексей Николаев («Актобе», Қозоғистон), Улуғбек Бақоев («Гоголь», Қозоғистон)лар ҳам таркибга жалб қилинади.

**Эркин ХОЛБОБО**

## Аждодларимиз мероси

# МАШРАБ ГУЛШАНИ

XVII-XVIII асрлар адабиёти оташнафас шоир Машраб ижоди билан файзиёб ва нурафшондир. Чунки у ички табиати, феъл-атвори, ҳаёти, тафаккур тарзи билан жаҳон шеъриятида салмоқли ўрин тутади. Йиллар, ҳатто асрларни ортда қолдириб бизгача етиб келган бу меросни мустақиллик имкониятлари туфайли келажак авлод тобора теранроқ англаб бормоқда.

Маълумки, ул зотнинг шахси, ижоди, меросини илмий асосда ўрганиш 1895 йилда Н.Весиловский Машраб ҳурфикрлилик намунаси сифатида жиддий ўрганишга лойиқ ижодкор эканлигини эътироф этганидан сўнг бошланган. Шундан сўнг, Н.Ликошин, В.Вяткин сингари шарқшунослар, кейинчалик бирқанча таниқли ўзбек олимлари Машраб дунёси ва унинг турфа қирраларини атрофлича тадқиқ этишди. П.Шамсиев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғофуров, В.Раҳмонов ва К.Исроиловлар эса шоир меросининг нашри борасида талай ишларни амалга оширишди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Машраб асарлари рисолалар ҳолида чоп этилди.

Хатирчилик муаллим Жалолиддин Юсуфий 1990 йилда «Меҳрибоним қайдасан» номи билан қиёсий-танқидий нашрни амалга оширди. Филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла ас-Салом «бу нашр иқтидорли олим, заҳматкаш ҳаттотнинг йигирма йиллик тинимсиз илмий-ижодий меҳнатининг маҳсули», — дея баҳо берганди.

Яқинда у шоир шеърларининг яна бир шундай нашрини амалга оширди. «Машраб девони» — машрабшуносликда қилинган ишларнинг энг мукаммали бўлди, дейиш мумкин. Чунки унга Машрабнинг олдинги танланган асар ва девонлари таркибига киритилмаган, ижодий меросининг юксак нуқтасига чиққан кўплаб ахлоқий, диний-тасаввуфий ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамманлари киритилган.

Шунингдек, «девон»га сўзбоши сифатида бешта мақола ҳам илова қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида баён этилган фикрлар бугунги машрабшунослик учун янгилик ҳисобланади. Хусусан, Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Насимий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр сингари зотларнинг Машраб ижодига ва ўз навбатида ундан кейин Ҳувайдо, Нодира, Огаҳий каби ўнлаб ижодкорларга қилган адабий таъсири ҳақидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида илмий қимматга эга.

Машраб лирикасида «ҳуруфи ҳижо», «ҳуруфи далолат», «алиф-лом» санъати ҳамда «Кимё», «Қиссайи Вайс ул-Қараний», «Қиссайи Меърожи Расули Акрам с.а.в.» каби асарлари моҳияти барчага ҳам бирдек маълум эмас, «Машрабнинг бадиий мероси» мақоласида шуларга оид қимматли маълумотлар берилган.

«Зар қадрини заргар билар» деганларидек, ҳеч шубҳасиз, бундай меҳнатнинг машаққатлари илм аҳлига яхши маълум. Зеро, муаллиф машаққатлардан заррача чўчимайдиган, аксинча унинг самарасидан завқ олишга қодир инсон бўлиб, кўп вақтини Машраб меросини ўрганишга бағишлаб келмоқда. Машраб девонининг у яратган мазкур нашри машрабшуносликнинг равнақи учун яхшигина манба бўлиб хизмат қилади.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**филология фанлари доктори,**
**Тошмурод БЎРИЕВ,**
**катта ўқитувчи**

Каттақўрғон туман Марказий шифохонаси маъмурияти олий тоифали жарроҳ Ибодулла Алимовга онаси
**Турсуной момо**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЁШ ОИЛАЛАР — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди

Маълумки, мамлакатимизда ёш оилаларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Давра суҳбатида «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова сўзга чиқиб, мазкур Фармон ижросини таъминлаш, ёш оилаларнинг ижтимоий, моддий ва маънавий аҳволини ўрганиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни амалда ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўтказилган мониторинг якунлари тўғрисида ахборот берди.

Шунингдек, тадбир давомида маҳаллалардаги ёш оилаларнинг мониторинги ва улар билан олиб борилаётган ишлар, ажратилаётган кредитлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш учун бериладиган микрокредитлар, узоқ муддатли фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун ажратиладиган имтиёзли истеъмол кредитлари ҳамда уларга яратилган солиқ имтиёзлари ҳақида ҳам сўз борди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

## Интер-спорт

### СУЛТОН ИБРАГИМОВ: «ХОЛИФИЛДДА ҒИРРОМЛИК БОР»

Ўта оғир вазнли боксчи WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Султон Ибрагимов шу йилнинг 13 октябрь куни Москвада собиқ жаҳон чемпиони Эвандер Холифилдга қарши ўтказиладиган жангга тайёргарликни бошлаб юборди. «Москвага учиб келиб, матбуот йиғилишида қатнашганимдан кейин ўзбекистонлик Руслан Чагаев билан ўтказадиган учрашувим бекор бўлганини билдим. Албатта, бу мен учун ачинарли, лекин нима ҳам қила олардим. Русланга фақат тезроқ соғайиб кетишини тилайман. Кези келганда шуни ҳам айтишим керакки, бўлажак рақибим Холифилднинг қандай боксчи эканлигини кўпчилик яхши билади. У ҳақда ҳар хил гаплар юради. Қизиғи шундаки, бундай рақиб билан жанг қилиш ўзига хос эҳтиёткорликни талаб қилади. Сабаби, Эвандерда ғирромлик бор. Чунки, у жанг пайтида бош ва тирсакларини ҳам ишга солиб, ҳар қандай боксчига панд бериб қўйиши мумкин».

### ТЎПУРАРГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ

Бразилиялик моҳир тўпурар Ромариога тириклигидаёқ ҳайкал ўрнатилди. Бу ёдгорлик «Васка да Гама» клубининг Рио-де-Жанейродаги Сан-Жануарио стадионида бунёд этилди.

— Ҳозирданоқ менга ҳайкал ўрнатилганидан беҳад бахтиёрман, — дейди футболчи. — Тўп тепишни шу майдонда бошлаганман.

Ҳайкал тўпурарнинг бўй-бастига мос бўлиб, баландлиги 1 метру 68 сантиметрга тенг. Уни яратиш учун уч ой вақт ва 20 минг реал (10 минг доллар) керак бўлди. Эслатамиз, Ромарио ўзининг мингинчи тўпини 2007 йилнинг 20 май куни қадрдон клубида «Спорт» жамоасига қарши ўйинда 11 метрлик нуқтадан амалга оширган эди. У афсонавий Пеле каби жаҳондаги мингта тўп киритган иккинчи футболчидир. Ромарио жами 1249 та учрашувда қатнашиб, шундан 94 тасида профессионал, 77 тасида ҳаваскор сифатида дарвозага тўп йўллаган бўлса, қолган 19 тасини бошқа ўйинларда амалга оширган. Ромарио 1994 йили Бразилия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони номига сазовор бўлиб, ФИФА йўналиши бўйича йилнинг энг яхши ўйинчиси, деб эътироф этилган.

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ**

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Самарқанд шаҳрида Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси маъмурий биноси қурилиши.**

*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.*

Қурилиш ишлари Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Т.Малик кўчаси, 12-уй. телефон: (8-366) 233-06-63.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел.: 233-32-00, факс: 231-13-51.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Т.Малик кўчаси, 12-уйда, Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси биносида ўтказилади.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

| | |
|---|---|
| Partiya hayoti | 133-10-13 |
| Ma`naviyat va ma`rifat | 133-69-45 |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 133-20-36 |
| Huquq | 136-76-21 |
| Ekologiya va salomatlik | 133-44-55 |
| Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik | 133-21-43 |
| Xatlar va ommaviy ishlar | 133-12-56 (Tel. Faks) |
| Mas`ul kotib | 133-72-83 |
| Reklama va e`lonlar | 133-38-55, 133-47-80 |

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

| | |
|---|---|
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-22-32 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg`onada — | 26-43-62 |
| Termizda — | 223-79-98 |

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Behzod SHUKUROV**

*Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.*

Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
*8253 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
O`zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 00.05
2 3 4 5 6

**Sotuvda erkin narxda**